

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус
Таълим Вазирлиги
Бухоро Озиқ-Овқат ва Енгил Саноат Технологяси
Институти**

«Информатика ва ахборот технологиялари» кафедраси

**«ИНФОРМАЦИОН ТИЗИМЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР»
фанидан амалий машғулотларни бажариш бўйича
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

Бухоро – 2004й.

Тузувчи: К.З. Абидов

«Информацион тизимлар ва технологиялар» фанидан амалий машғулотларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти. Бухоро, 2004й.

Услубий кўрсатмаларда Windows-95/98/2000 операцион тизимларида ишлаш технологияси, фойдаланувчи интерфейсида ишни ташкил этиш, операцион тизимнинг кўп қиррали имкониятлари, замонавий матн муҳарририда (Word) ҳужжатларни тайерлаш технологияси, шунингдек Excel жадвал процессорида маълумотларни киритиш, саралаш ва ҳисоб ишларини бажариш бўйича қисқача маълумотлар, топшириқлар ҳамда уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар баён этилган.

Услубий кўрсатмалар бакалавриятнинг барча йўналишлари бўйича билим олаётган талабалар учун мулжалланган.

«Информатика ва ахборот технологиялари» кафедраси

Услубий кўрсатмалар «Информатика» кафедрасининг умумий йиғилишида («12» декабр 2004й. № 5 мажлис баёни) ва институт Услубий кенгашида («22» декабр 2004. № 6 мажлис баени) муҳокама қилинди ва чоп этишга тавсия этилди.

Такризчилар: Доц. Ш.С. Йўлдошев
Катта ўқитувчи Р.А. Жафаров

КИРИШ

Маълумки, 1995 йилда АКШ нинг Microsoft фирмаси операцион тизим ҳамда график кобик дастурларини алохида ишлаб чиқиш ва куллаш анъанасидан воз кечиб, фойдаланувчининг ягона график интерфейсига эга булган Windows- 95 операцион тизимни ишлаб чиқди.

Microsoft Windows 95/98/2000 операцион тизими – бу юкори тезликдаги, куп вазифали ҳамда куп окимли 32-разрядли график интерфейсга эга булган мураккаб дастурий комплексдир.

Windows бошка операцион тизимлардан фаркли уларок куйидаги узига хос хусусиятларга эга:

- фойдаланувчи ва мухит орасидаги мулоқотни урнатувчи кулай ва оддий булган воситаларнинг мавжудлиги. Бундай воситалар фойдаланувчи интерфейси деб аталади (интерфейс таркибига ойналар, менюлар, файлларнинг «ёрлик» лари, иловалар ва х.к. киради);

- куп вазифалик принципнинг жорий этилганлиги, яъни ШЭХМ нинг бир вақтнинг узида бир нечта дастурлар билан ишлай олиш имкониятининг таъминланганлиги (масалан, CD-ROM лазерли дискда ёзилган мусикани эшитган холда матн муҳарририда ишлаш);

- турли амалий дастурларда (матн муҳаррири, электрон жадвал, график муҳаррири ва х.к.) тайёрланган маълумотларни бир дастурдан бошқасига утказиш орқали мураккаб масалаларни ечиш имкониятларининг мавжудлиги (масалан, график муҳаррирда тайёрланган расмни матн муҳарририда тайёрланаётган матнга утказиш орқали мураккаб ҳужжатларни тайёрлаш);

- янги ташки қурилмалар (принтер, стример, трекбол, плоттер, сканер ва х.к.) компьютерга улаш учун дастурий тизимларнинг мавжудлиги ва бу тизимнинг ташки қурилмалар билан эффектив ишлай олиш қобилияти;

- Windows иловаларида мультимедиа принципларини эффектив реализация қилиш имкониятлари ва х.к.

Windows–95/98/2000 операцион тизимнинг биз санаб утган хусусиятларидан ташқари яна куплаб афзаллик томонлари мавжуд бўлиб, фойдаланувчи бу тизим билан мулоқотда бўлгандагина уни тула идрок қилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, агар сиз компьютерингизга Windows-95 операцион тизимини урнатмоқчи бўлсангиз, унда у ШЭХМ нинг аппарат қисмига маълум талаблар қуяди. Жумладан:

- i804486 ёки Pentium русумли микропроцессорнинг такт частотаси 66 МГц-дан кам бўлмаслиги керак;
- оператив хотира камида 8Мбайт бўлиши, яхшиси эса 16 Мбайт ва ундан катта ҳажмга эга бўлиши лозим;
- винчестрда Windows тизимини жойлаштириш учун у 60-70 Мбайт ҳажмдан кам бўлмаслиги керак;

Windows-98 операцион тизими учун, Pentium русумли микропроцессорнинг тактли частотаси 133 МГц-дан кам булмаслиги, оператив хотира эса 16 Мбайт ва ундан катта хажмга эга булиши лозим.

Умуман олганда Windows-95 ва Windows-98 операцион тизимлар орасидаги фарк ва тафоввутлар сезиларсиздир. Windows-95 тизимидаги мавжуд компоненталар Windows-98 тизимда ҳам борлиги учун биринчи тизим учун билдирилган фикрлар иккинчиси учун ҳам уринли хисобланади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Республикамизда Windows-95 операцион тизимининг бир неча версиялари кулланилади. Улардан Windows-95 нинг 1111 релизи (локал рус версияси) инглиз тилидаги 950 релизга нисбатан, оригинал хисобланади ва фойдаланувчи учун анча кулайдир. Биз бу версияни куллашимизни инобатга олиб, унда қабул килинган рус сузларини (масалан, ярлык, кнопка, проводник, документ, окно, корзина, щелчок ва х.к.) таржима килмасдан айнан узини колдиришни лозим топдик.

1 – АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

WINDOWS – 98 ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИДА ДОКУМЕНТ ВА ИЛОВАЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШНИНГ БАЗАЛИ УСУЛЛАРИ

Мавзу: Мой компьютер папкасидан иловаларни ишга тушириш

Ишдан мақсад: Windows – 98 операциян тизимида фойдаланувчи иловаларини Мой компьютер папкаси орқали ишга туширишни урганиш.

Назарий қисм

Windows – 98 операциян тизимида документлар билан ишлашда фойдаланувчи асосан иловаларга нисбатан тузиладиган документга катта эътиборини қаратган бўлади.

Документ – бу иловалар (дастурлар) ёрдамида тузиладиган хоҳлаган турдаги файл бўлиб, Windows – 98 операциян тизимида документ матн, график, овозли ва видео қурилишдаги ахборотни сақлаши мумкин.

Windows – 98 операциян тизимининг асосий хусусияти шундан иборатки, документ ишга туширилганда шу файл билан ишлайдиган илова автоматик ишга тушади. Масалан, расм билан ишламоқчи бўлсак, шу расм файлини ишга тушириш лозим, бунда график муҳаррир ҳам автоматик ишга тушади.

Документлар билан ишлаш қуйидаги технологик амаллар билан боғлиқ: иловани ишга тушириш, тузилган документларни очиш, улардан нусха олиш ва қучириш, қайта номлаш, учуриш, қайта тиклаш ва х.к. Бу амалларнинг қуччилиги турли усуллар билан бажарилиши мумкин:

- ❖ Мой компьютер папкаси
- ❖ Проводник дастури
- ❖ Илова ойнасида Файл, Открыть буйраклари
- ❖ Асосий менюдаги Программы папкаси
- ❖ Асосий менюдаги Документы папкаси
- ❖ Амаллар панелида ёпилган ойналар тугмачалари
- ❖ Ёрликлар
- ❖ Асосий менюдаги Найти буйруги ойнаси

Windows – 98 операциян тизимида документларни тузиш ва тахрирлаш учун керакли иловани ишга тушириш лозим. Бу илова сифатида матн муҳаррири, жадвал муҳаррири, маълумотларни қайта ишлаш тизимлари, презентациялар тузиш дастури, маълумотлар базасини бошқариш дастури, электрон почта билан ишлаш дастури ва бошқалар бўлиши мумкин.

Мой компьютер папкасидан иловаларни ишга тушириш учун сичконча тугмаси қуйидаги тугмаларда икки марта кетма-кет босиш билан амалга оширилади:

- ❖ <C> тугмаси – Мой компьютер папкаси суров ойнасида.
- ❖ Сунг Windows папкаси

- ❖ Бу папкадан Главное меню папкаси.
- ❖ Кейин Программы папкаси ишга туширилади.
- ❖ Программы папкасидан Стандартные папкаси руйхати очилади.
- ❖ Бу руйхатдан бирон иловани танлаш мумкин, масалан, Paint график мухарририни ишга тушириш.

Амалий машгулотни бажариш буйича топширик

1. Мой компьютер папкасидан Paint график мухаррини ишга тушириш.
2. «Paint хужжати» номли хужжат яратиш.
3. «Paint хужжати» номли хужжатни Мои документы папкасида хотирага саклаш.
4. Paint иловасини тугма сифатида ёпинг.

Амалий машгулотни бажариш технологияси

1. Ишчи столда Мой компьютер папкаси тугмасини сичконча тугмасини босиб ажратинг.
2. Шу номли папкани очиш учун Мой компьютер тугмасида сичконча тугмасини икки марта кетма-кет босинг.
3. Суров ойнасидан С тугмасини ажратиб сичконча тугмачасини босинг ва С папкаси суров ойнасини ишга туширинг.
4. Windows ёки Win папкасини чиккан руйхатдан ажратиб ишга туширинг.
5. Бу папкадан Главное меню папкасини танлаб ишга туширинг.
6. Руйхатдан Программы папкасини ишга туширинг.
7. Стандартные папкасини ажратиб ишга туширинг.
8. Paint дастури  тугмаси оркали ишга туширилади.
9. Хосил булган ойнада янги расм чизинг, бунда инструментлар панели тугмаларидан фойланинг.
10. Тузган файлингизни ойна юкорисидаги менюнинг Файл Сохранить буйруги оркали Мои документы папкасида «Paint хужжати» ном билан хотирга сакланг.
11. Ойнанинг унг кисми юкорисида жойлашган  - тугмаси ёрдамида Paint дастури ойнасини ёпинг, бунда дастур ёпилмайди, балки ишчи ойна ёпиб куйилади, бу бир вақтнинг узида бир неча дасутурлар билан бирга ишлаш имконини беради.

2 – АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Мавзу: ПРОВОДНИК дастуридан иловаларни ишга тушириш

Ишдан мақсад: Windows – 98 операцион тизимида фойдаланувчи иловаларини ПРОВОДНИК дастури ёрдамида ишга туширишни урганиш.

Назарий қисм

Бу дастур ишга туширилганда баъзи мураккаб масалаларни ечишга имкон беради. Иловаларни **Проводник** дастури ёрдамида Word Pad матн муҳарририни ишга тушириш учун қуйидаги амаллар кетма – кетлигини бажариш лозим:

1. Пуск – Программы асосий менюдан Проводник дастурини ишга тушириш.
2. С диск ни танлаб ишга тушириш (сичкончанинг чап тугмачаси икки марта кетма-кет босилади)
3. Бу руйхатдан Windows ёки Win папкасини танлаб ишга туширинг.
4. Бундан Главное меню – Программы папкаси.
5. Программы папкасидан эса Стандартные папкасини.
6. Стандартные папкасида изланаётган илова - Word Pad матн муҳаррири папкалари очилади.

Матн муҳарририни ишга туширишнинг янада қисқа йули қуйидагича бажарилади:

- Асосий менюдан Поводник дастури (Пуск-Программы – Проводник)
- Проводник дастури суров ойнасидан – Мои документы сурой айнаси.
- Мои документы суроы ойнасида – берилган матн хужжатнинг файли.

Амалий машгулотни бажариш буйича топширик

1. ПРОВОДНИК дастуридан Word Pad матн муҳаррини ишга тушириш.
2. Қуйидаги матнли «Матн хужжати» номли хужжат тузиш:

Хурматли Алишер Насриддинович!

Сизни институтимизда булиб утадиган «Иктидорли талабалар» умумий мажлисига лутфан таклиф этамиз.

Сизни таклиф қилиб қолувчи институт проректори

Асроров И.Т.

20 январ 2003 йил.

3. Хужжатни «Матн хужжати» ном билан Мои документы папкасида хотрага сақланг.

Амалий машгулотни бажариш технологияси

1. Асосий менюни Пуск оркали ишга туширинг.
2. Курсорни сиргалувчи меню оркали Программы – Проводник йули оркали утказинг.
3. ПРОВОДНИК дастури номида сичконча тугмасини боси ишга туширинг ва шу номли тугма амаллар панелида хосил булишини кутинг.
4. ПРОВОДНИК-С: суров ойнасидан WIN папкасини очинг.
5. WIN папкаси сурой ойнасида Главное меню папкасини очинг
6. Главное меню папкаси суров ойнасида Программы папкасини очинг.
7. Программы папкаси суров ойнасида Стандартные папкасини очинг.
8. Стандартные папкаси суров ойнасида Word Pad матн мухарри папкасини очинг (Word Pad иловасини ишга туширинг). Илова ишга тушгандан сунг шу номли тугма амаллар панелида хосил булиши кутинг.
9. Документ Word Pad суров ойнасида берилган матнни киритинг ва тахрирланг, бунда матн билан ишлашнинг оддий усулларидан фойдаланинг.
10. Киритилагн матнни каттик дискда Мои документы папкасида «Матн хужжати» ном билан хотирага сакланг. Бунинг учун матн мухаррирининг асосий менюсидан ФАЙЛ Сохранить как буйругини беринг.
11. Барча суров ойналарини  тугмаси оркали ёпинг.

3 – АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Мавзу: Иловалар ойнасидан документларни ишга тушириш усули

Ишдан мақсад: Windows – 98 операцион тизимида фойдаланувчи иловалар ойнасидан фойдаланиб документларни ишга тушириш усулларини урганиш.

Назарий қисм

Бу усул одатда илова ишга туширилгандан сунг хосил булган ойнада асосий буйрук менюси оркали амалга оширилади.

Иловада файлни очиш учун менюдан Файл – Открыть буйругини берамиз. Бунда Открытие окна суров ойнаси хосил булади, керакли файл излаб топиб, номини ажратиб Открыть буйругини бериш лозим. Бу усул бир неча файлларни очиб улар билан ишлаш имконини беради. Бир файлдан бошқасига утиш учун менюдаги Окно буйругидан фойдаланиб файллар номи руйхатидан номни танлаб утиш мумкин.

Амалий машгулотни бажариш буйича топширик

1. Microsoft Word дастурини юкорида куриб утилган усуллардан фойдаланиб ишга тушириш.
2. Ойна менюсидан Файл – Открыть буйруги оркали “Матн хужжати” файлини очиш.
3. Илова ойнасини матн хужжат оркали ёпиш.

Амалий машгулотни бажариш технологияси

1. Microsoft Word дастурини ойнасини очинг (Пуск-Программы- Microsoft Word).
2. Асосий менюдан ФАЙЛ – Открыть буйругини беринг.
3. Хосил булган суров ойнасида “Матн хужжати” файлни танланг.
4. Открыть тугмасини босиб, ёки файл номини ажратиб сичкончанинг чап тугмачасини кетма-кет икки марта босинг.
5. Буйруклар менюсидан Файл – Выход буйруги ёрдамида ёки  тугмаси оркали дастур таркибидан чикинг.

4 – АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Мавзу: ИЛОВАЛАРНИ ТЕЗ ИШГА ТУШИРИШНИНГ УСУЛЛАРИ

Ишдан мақсад: Windows – 98 операцион тизимида иловаларни тез ишга туширишнинг усуллари урганиш.

Назарий қисм

Иловаларни тез ишга туширишнинг бир неча усуллари мавжуд:

1. Программы папкасидан иловаларни ишга тушириш
2. Документы папкасидан.
3. Амаллар панелидан
4. Ёрлик ёрдамида иловларни ишга тушириш.
5. Найти суров ойнаси орқали ишга тушириш.
6. Документ ойнаси дан иловани ишга тушириш.

Хар бир усул изохини куриб чикамиз:

1. Иловаларни Программы папкасидан ишга тушириш учун асосий менюдан Пуск – Программы – Стандартные – Илова номи танланади. Илова номи танланиб сичконча тугмаси бир марта босилгандан илова ишга тушади. Бунда хоҳлаган иловани шу тарзда ишга тушириш мумкин.

Масалан, Paint график муҳаррири бу усулда тушириш учун:

Асосий менюдан Пускни танланг, сунг ҳосил бўлган менюдан Программы қисми белгилаб, ун қисмда ҳосил бўлган руйхатдан Стандартные ни ажратиб, иловалар руйхатидан Paint иловасини белгилаб сичкончани боссангиз, илова ишга тушади.

Бу дастурни  тугмаси орқали ёпинг.

2. Иловаларни Документы папкасидан ишга тушириш учун асосий менюдан Пуск – Документы – Документ номи танланади ва тугмача босилганда шу документ илова ойнаси билан биргаликда ишга тушади. Бу усулда илова ишга туширилганда ойнада шу документ таркиби очилади.
3. Одатда Амаллар панели ишчи столнинг пастида жойлашган бўлади. Бу панел бир неча иловлар ёки бир иловада бир неча файллар ишга туширилгандан сунг, бир иловадан бошқасига ўтиш ёки бир файлдан бошқасига ўтиш, яъни қайта очиш учун қўлланилади, токи бу илова  тугмаси орқали ёпилмасин.
4. Иловларни ёрликлар ёрдамида ишга тушириш учун бу ёрликни танлаб, сичкончанинг чап тугмасини кетма-кет икки марта босиш лозим. Қўпинча қўлланиладиган иловлар узининг ёрликларига эга бўлиб, бу ёрликлар хоҳлаган жойда ишчи столда амаллар панелида жойлашган бўлиши мумкин. Ишчи столад янги ёрлик яратиш учун Проводник дастурида бирон илова файлини танлаб сичкончанинг ун тугмасини босиб, буйруқлар руйхатидан Создать ярлык буйруғи орқали янги ёрлик яратиб, ишчи столга қўчирилади. Бунда аввалги жойдан ёрлик ўчирилади.

5. Найти суров ойнаси ёрдамида иловларни ишга тушириш учун асосий менюдан Пуск- Поиск – Файлы и папки буйругини белгиласак, Найти суров ойнаси экранда хосил булади.

Суров ойнасида керакли илова номи файлини ёки папканинг номини киритиб, Найти буйругини бериш лозим. Топилган файллар руйхати чиқади ва бу руйхатдан керакли илова файли танланиб сичкончанинг чап тугмаси икки марта кетма-кет босилганда илова ишга тушади.

6. Баъзи дастурлар (иловлар) ойнасида бошқа иловани ишга туши имконияти мавжуд. Бунда илова ойнасидаги буйруklar менюсидан Вставка – Объект буйругини берсак, шу илова ёрлиги документ таркибида хосил булади. Бу ёрлик оркали иловани ишга тушириш мумкин. Бунда албатта сичкончанинг чап тугмаси икки марта кетма-кет босиш лозим.

Ишнинг бориши

Хар бир усул ёрдамида бирон иловани ишга туширишни куриб чиқамиз:

1-усул ёрдамида график мухаррир Paint ни ишга туширамиз. Пуск асосий менюда Программы булимни танлаб, унг томондаги менюдан Стандартные руйхатидан Paint график мухаррирни танлаб сичконча тугмасини босинг. Paint иловаси ишга тушади. Илова ишга тушгандан сунг  тугмаси оркали иловадан чиқинг.

2-усул ёрдамида MS Word иловани шу дастурда тузилган файл ёрдамида ишга туширамиз. Асосий меню Пускдан Документы буйруги оркали бирон MS Word дастури файлини танланг ва сичкончанинг чап тугмасини босинг. Бу илова танланган файл оркали ишга тушади. Бу илова ойнасини  тугмаси оркали ёпинг.

3- усулда юкорида куриб утилган икки усулда иловларни ишга тушириб бу иловларни ёпмасдан асосий меню Пуск – Документы – Документ номи танланг, яъни бошқа иловани файл оркали ишга туширинг. Ойна пастида амаллар панелида очган иловлар файллар номи билан куриниб турганлигига эътибор беринг. Хар бир иловани амаллар панелига ёпиб куйиш учун  тугмасидан фойдаланилади. Амаллар панелидан иловаларни ишга тушириш файллар уртасида узаро маълумот алашиниш (нусха олиш кучириш ва х.к.) имконини беради. Иловани тулик ойнадан ёпиш учун  тугмасини босиш лозим.

4- усулда барча очилган иловаларни  тугмаси оркали ёпинг ва ишчи столда Пуск – Программы – Проводник ни ишга туширинг. Мои документы папкасидан MS Word дастурининг бирон файлини сичкончанинг чап тугмаси ёрдамида ажратинг, сунг унг тугмасини босинг, файллар билан ишлаш буйруklари руйхатидан Создать ярлык буйругини чап тугма билан танланг. Мои документы папкасида ёрлик хосил булади. Уни ишчи столга кучириш учун сичкончанинг чап тугмасини босиб туриб ишчи стол ойнасига харакатлантиринг ва тугмани куйиб юборинг. Проводник ойнасини  оркали ёпинг. Ишчи столда хосил булган ёрликни сичконча билан

танлаб, икки марта кетма-кет чап тугмасини боссангиз MS Word дастури ишга тушади. Иловани  ёрдамида ёпинг.

5-усулда Калькулятор иловасини Найти суров ойнаси оркали ишга туришни куриб утамиз. Найти суров ойнасини хосл килиш учун ишчи столд Пуск – Поиск – Файлы и папки буйругини берамиз. Файлы и папки буйругини танлаб, чап тугмани босинг. Имя сатрида Calc илова номини киритинг ва Найти буйругини беринг. Топилган файллар руйхатидан Calc старини танланг, сичкончани икки марта кетма-кет босинг. Калькулятор иловаси ойнаси экранда хосил булади.  тугмаси оркали иловани ёпинг.

6-усулда Word Pad иловаси ойнасида Microsoft Excel дастурини ишга туширамиз. Word Pad иловасини ишчи столдан Пуск – Программы – Стандартные-Word Pad буйруги оркали ишга туширинг. Бу илова ойнаси ишгатушгандан сунг, ойна юкорисидаги менюдан Вставка – Объект буйругини берамиз. Ойнада барча мавжуд асосий иловлар руйхати чикади бу руйхатдан Лист Microsoft Excelни танлаймиз ва ОК тугмасини босамиз. Word Pad ойнасида MS Excel дастурининг ёрлиги хосил булади. Бу ёрликка сичкончанинг чап тугмасини кетма-кет босинг ва бу иловани ишга туширинг. Бу иловани  тугма оркали ёпинг, иккинчи иловани хам худди шундай ёпинг.

5 – АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Мавзу: WINDOWS – 98 ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИДА ФАЙЛ ВА ПАПКАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ишдан мақсад: Windows – 98 операцион тизимида файл ва каталоглар билан ишлашни урганиш.

Назарий қисм

Windows – 98 операцион тизимида файллар бир-биридан ёрликлари билан фарк қилади. Бу ёрликлар файлдаги ахборот турини, қайси дастурда тузилганлигини билдиради. Масалан, Word матн муҳарририда тузилган матн файли  ёрлигига эга бўлади. Папкаларда эса файллар бирлаштирилади. Одатда бу тизимда бирон дастурда файл тузиб хотирага ёзилаётганда автоматик Мои документи папкасини тузиб шу папкага ёзишни таклиф қилади. Чунки ҳужжат файллари бир папкада жойлашса, фойдаланувчига файллар билан ишлаш қулай бўлади. Бу папкага тез утиш учун Пуск бўлимидан Документи қисмини танласак, унда фойдаланувчиларнинг 16 та охириги ишлаган ҳужжатларнинг рўйхати чиқади. Бу рўйхат юқорисидан эса Мои документи номи папка номи туради. Бу папкани танлаб шу папкада жойлашган файллар рўйхатини ҳосил қилиш мумкин. Лекин бундан ташқари ҳар бир фойдаланувчи файлларини узининг бирта папкасида сақлаши мумкин. Бу эса бошқа фойдаланувчи файллари билан қушилиб кетмаслигига қулайлик яратади. Папка ёрлиги  қуринишда бўлади. Windows – 98 операцион тизимида файллар ва папкаларни тузиш, очиш, учириниш, қучириниш, номини ўзгартириниш, архивлаш ва ҳоказо амалларни бажариниш мумкин. Файл ва папкалар билан ишлашнинг бир неча усуллари мавжуд:

Windows – 98 операцион тизимида файл ва папкалар билан ишлаш учун бир неча усуллар мавжуд.

1. Ёнг қулай ва тез ишлаш Windows – 98 операцион тизимида тушганда ишчи столи ойнада ҳосил бўлгандан сўнг, унда ўрнатилган файл ва папкалар билан ишлаш имконияти мавжуд. Бунинг учун керакли файл ёки папка сичконча билан танлангандан сўнг сичкончанинг ўнг тугмачаси босилганда буйруқлар рўйхати чиқади.

Открыть – танланган файлни очиш. Создать – шу типдаги файл тузиш.

Печать – файлни принтердан чоп қилиш. Копировать – файлдан нусха олиш.

Вырезать – файлни қирқиб олиб қучириниш. Переименовать – номини ўзгартириниш.

Удалить – хотирадан учириниш. Отправить (Адресат, Рабочий стол, Мои документи, Диск А:) – файлни Internet орқали юбориниш, ишчи столига қуйиниш, Мои документи папкасига ўтқазиниш ёки 3,5 ҳажмли қаттиқ дискка нусха юбориниш амалларини бажаради. Открыть с помощью – компьютерда мавжуд барча программалар рўйхати чиқади ва танланган файлни шу дастурлардан бирини танлаб шу орқали ишга тушириниш мумкин. Свойства – файл атрибутларини ўзгартириниш. Бу атрибутларга

архивли, куринмас, факат укиш мумкин булган холга келтириш. Бу буйруklar руйхати факат мавжуд файл ва каталоглар билан ишлаш кулланилади.

Ишчи столда файл ёки каталог номини танламасдан туриб сичкончанинг унг тугмасини боссак куйидаги имкониятларни берувчи буйруklar руйхати чикади:

Создать Папку – янги папка тузиш. Давомида компьютерда мавжуд стандарт дастурлар руйхати чикади. Бу руйхатдан биронтасини танласак, шу дастурда янги файл тузиш учун дастур ишга тушади. Масалан Создать: Документ Microsoft Word, Лист Microsoft Excel, Презентация Microsoft PowerPoint. Бунда сиз Microsoft Word матн мухарририда янги матн файлини ёки Microsoft Excel да янги электрон жадвал, ҳамда Microsoft PowerPoint да янги слайдлар тузиш имкониятидан фойдаланишингиз мумкин. Бу буйруklar файл ва папкалар билан ишчи столда ишлаш имконини беради.

2. Файл ва папкалар билан ишлаш яна бир имкони Пуск булимдан Программы кисмидан Стандартные да жойлашган Проводник булими хисобланади. Бу булим узининг ойнасига эга булиб, имкониятлари кенг хисобланади. Бунда барча файллар папкалар руйхатини куриш мумкин. Бу ойна икки кисмдан иборат. Чап кисмда диск, папка номи, унг кисмда эса шу диск ёки папка таркибидаги папкалар ва файллар номи руйхати курсатилади. Чап ойнада сичконча оркали белгиланган диск ёки папка таркиби унг ойнада автоматик очилади. Файл ёки папка билан ишлаш учун Проводник ойнаси юкорисида жойлашган меню буйруklаридан фойдаланилади. Ёки файл ёки номи танлангандан сунг сичкончанинг унг тугмаси босилганда асосий буйруklar руйхати чикади, сунг керакли буйрук танланиб амалга ошириш мумкин.

3. Худди шу амалларни Пуск булимида Создать документ Office – Office хужжатини тузиш ва Открыть документ Office - Office хужжатини очиш буйруklардан фойдаланиш мумкин. Файлларни очаётганда файлни танлагандан сунг сичкончанинг унг тугмасини босганда улар билан ишлаш имконини берувчи буйруklar руйхати чикади. Бу буйруklar худди юкоридаги усулларда куриб утилган умумий буйруklar билан бир хил. Лекин бунда имкониятлар чекланган, чунки бу буйруklar ёрдамида факат Office файллари билан ишлаш имкони мавжуд холос.

Файл ва папкалар билан ишлашда (Открыть – очиш, создать – тузиш, копировать – нусхалаш, переименовать – номини узгартириш, удалить – учирш, отправить – ишчи столига, 3,5 хажмли дискка, Мои документы папкасига нусха кучириш, файл ёки папкаларни архивлаш, Открыть с помощью – мавжуд дастурлар ёрдамида файлни очиш, Свойства – файл атрибутларини урнатиш) бу усулларида бир хил амалга оширилади. Факат учинчи усулда бу имкониятлар чегараланган.

Худди шу буйруklar Мои документы папкаси таркибига киргандан сунг, файлни танлаб сичкончанинг унг тугмачасини боссак худди шу буйруklar руйхати чикади. Бу Мои документы папкасида жойлашган файллар билан ишлашга кенг имкон беради.

Ишнинг бориши

1. Юкорида куриб утилган барча буйруklarни урганиб чикинг ва хар бир усул ойнаси очиб, буйруklar руйхатини текшириб чикинг.

2. Ишчи столда янги папка хосил килинг ва уни ичига сикчончанинг чап тугмасини кетма-кет босиб киринг. Папка ичида ҳам сичкончанинг унг тугмачасини босиб, буйруklar руйхатини хосил килинг ва Создать - тузиш буйругидан фойдаланиб Word матн мухарририда янги файл хосил килинг.
3. Файлга ном бериб хотирага ёзганингиздан сунг, ишчи столда шу файл таркибини очиб куринг.
4. Файлни ёпиб, буйруklar руйхатидан Отправить буйруги оркали Диск 3,5А га ёзинг. Папка ичидаги файлни эса Удалить буйруги оркали хотирадан учиринг.
5. Каталог таркибидан чикиб, каталогнинг номини Переименовать буйруги оркали номини узгартириб куринг, сунг уни ҳам хотирадан Удалить буйруги оркали учиринг.
6. Мои документы папкасини Документы кисми оркали очинг ва унинг таркибида Excel дастурида файл тузинг ва уни Отправить буйруги оркали Ишчи столга (Рабочий стол) юборинг.

Мустакил ишлаш учун вариантлар.

1. Ишчи столда узингиз номингиз билан папка хосил килинг, унинг ичида фамилиянгиз номи билан яна бирта папка хосил килинг ва бу папка ичида PowerPoint дастурида янги файл хосил килинг ва унга Скрытый атрибутини урнатинг.
2. Мои документы папкасида узингиз номингиз билан папка хосил килинг. Унинг таркибига Мои документы папкаси таркибидан биронта файлни нусха олиб ташланг (Копировать - Вставить) ва уни номини узингиз номингиз билан алмаштиринг.
3. 3-усул ёрдамида узингиз Office дастурни танлаб янги файл хосил килинг ва уни ишчи столга юборинг.
4. Ишчи столда узингиз номингиз билан папка хосил килинг, бу папка ичида Word матн мухарририда янги файл хосил килинг ва унга Только для чтения атрибутини урнатинг.
5. 2-усул ёрдамида узингиз номингиз билан папка хосил килинг. Унинг таркибига Мои документы папкаси таркибидан биронта файлни нусха олиб ташланг (Копировать - Вставить) ва уни номини узингиз номингиз билан алмаштиринг.
6. 3- усул ёрдамида Мои документы папкаси таркибида биронта Office дастурида файл тузинг ва уни кайта очиб, уни номини узгартиринг.
7. Ишчи столда янги папка хосил килинг ва 2- усул ёрдамида бу папка ичига Мои документы папкасидан камида 5 та файлни нусха олиб ташланг.
8. Ишчи столда узингиз номингиз билан папка хосил килинг, бу папка ичида Excel да янги файл хосил килинг ва уни номини узгартириб Мои документы папкасига юборинг.

6 – АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Мавзу: WORD MATN МУХАРРИРИДА ХУЖЖАТЛАРНИ ЯРАТИШ ВА ТАХРИРЛАШ

Ишдан мақсад: Word матн муҳарририда ҳужжатларни яратиш ва уларни таҳрирлашни урганиш.

Назарий қисм

Word матн муҳарририни ишга туширишнинг бир неча усулини 1-Амалий машғулотда қуриб ўтдик. Энди бу дастурда ҳужжат билан ишлашни қуриб ўтамиз. Бу матн муҳаррири узининг ойнасига эга бўлиб, унда меню, инструментлар панели, матн киритиш учун қопчи ва ўрнатилган режимлар ҳақида ахборот берувчи ҳолат сатри жойлашган. Менюда жойлашган бўйруқлар билан ишлаш қулай бўлиши учун экранда бу бўйруқлар тугмачалар қуринишда инструментлар панелида жойлашган. Бу панельга бўйруқлар тугмачаларини қушиш ёки олиб ташлаш мумкин. Бу амалларни панельда қичқончанинг ўнг тугмачасини босиб чиқадиган тугмачалар бўлими орқали белгилаб ўзгартириш киритиш мумкин. Қулай бўлиши учун бу бўйруқларни панельдаги тугмачалар орқали изоҳлаб берамиз. Бу тугмачаларга мос бўлган бўйруқларни мустиқ қуриб ўтишингиз мумкин.

Word ишга тушгандан сўнг матнларни янги файл тузиб  -(Создать) киритиш мумкин. Файл тузиладиганда мавжуд документ асосида ҳам, яъни шу файлдан нусха олингандек янги файл ҳосил қилади. Бунда менюдан Файл - Создать бўйругини берганда Normal (оддий бўш варақчи янги файл) турдаги ва мавжуд турдаги (хат, Web-саҳифа ва ҳ.к.) файллар номи рўйхати ҳосил бўлади. Қеракли файл танланиб ОК тугмасини боссақ, шу типдаги файл тузилади.

Мавжуд файлни экранда очиш учун  -Открыть (ёки Файл-Открыть) бўйругидан фойдаланамиз. Файлларни очадиганда бошқа матн муҳарририда тузилган файлларни очиш имконияти мавжуд. Бунда очган файлни Word документига ўзгартириш учун файлни қайта ўзгартириш тури, яъни файлни қайси типда Word документга ўзгартириш қераклиги сўралади. Бу типлар қўп ҳолда Текст DOS ёки Только текст билан белгиланади, чунки файлларни документга ўзгартирадиганда асосан матни ўзгартирилиши лозим бўлади. Файлни очадиганда Папка қисмида файл жойлашган папка, ўнинг таркибидаги файлларни қуриш учун эса Тип файла қисмида файл типини ёки Все файлы ни танлаш лозим. Очадиган файл таркибини қуриш учун файллар рўйхати қуринишини Свойства - Просмотр бўйруғи билан қуриш мумкин. Барчаси белгилангандан сўнг Открыть бўйруғи берамиз.

Тузилган ёки мавжуд файлга ўзгартириш қиритганадан сўнг уни албатта хотирага ёзиш учун  -Сохранить (Файл - Сохранить) бўйруғи берилади. Бунда файлни бошқа типдаги документ сифатида ҳам хотирга ёзиш мумкин. Ўқоридагидек Папка қисмида хотирага ёзиш учун папка танланади, Имя қисмида файл номи

киритилади, Тип файла кисмида файл типини танланади ва шу типда хотирага ёзилади. Ойнада очилган файл хотирага ёзилган булиб ундан нусха олиб бошка диск, папка, бошка ном киритмокчи булсак, F12 ёки менюдан Файл – Сохранить как... буйругини бериш лозим. Файлни Web – саҳифа сифатида ҳам хотирага ёзиш мумкин, бунинг учун менюдан Файл – Сохранить как HTML буйругини бериш лозим.

Ёзиб булинган матнни принтердан чиқариш -Печать (ёки Файл - Печать) буйругидан фойдаланамиз.. Принтердан чоп қилиб чиқаришда инструментлар панелидан буйрукни берсак матнни тулик ҳамма варақларини бирма – бир принтердан чиқаради. Агар меню орқали Файл – Печать буйругини берсак, бунда махсус суров ойнаси очилади, бунда принтер типини Тип принтера кисмида танлаймиз (урнатилагна принтерлар руйхати чиқади, масалан, лазер, игнали ва х.к.), варақлар бетини Страницы кисмида Все (Хаммаси), Текущая (жорий, яъни экранда қайси варақда курсор қуриниб турибди) ва Номера (хоҳлаган бетни танлаш, танлаш қоидаси пастида курсатилади) билан белгилаш мумкин. Копия кисмида нусхалар сони киритилади, яъни бир варақ неча нусхада чиқарилиши белгиланади. варақ турини Свойства орқали, Параметры кисми билан бошка узғартиришлар киритиш мумкин.

Принтерда чоп қилишдан олдин уни бетларга ажратиш амали менюдан Вставка Номера страниц буйруги орқали бажарилади, бунда бет тартиб рақамининг форматини, унинг жойлашишини пастдан, юқоридан, чапдан, унгдан, марказдан урнатиш мумкин. Сунг бу матнларни қогоздаги қуринишини (-Просмотр) орқали қуриш мумкин.

Word матн муҳарририда чоп қилинган матн билан ишлашда бир неча ҳарфлар, сузлар, ибораларни бошқасига узғартириш имкониятидан менюдаги Правка – Найти – Заменить буйруқларидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун матн бошига утилади ва Правка – Найти буйруги берилади, бунда суров ойнаси ҳосил булади, бу ойнанинг Найти сатрида изланаётган ҳарф, суз, ибора киритилади. Больше кисмида эса шу ҳарфларнинг шрифти, суз қуриниши, излаш ҳажмини киритиш мумкин. Заменить на сатрида эса узғартириладиган ҳарф, суз, ибора киритилади, бунда ҳам Больше кисмидан фойдаланиш мумкин. Найти далее буйруги шу сузни бирма-бир матндан топиб ажратиб беради, Заменить буйруги эса топилган сузни бошқасига бирма-бир узғартиради. Заменить все буйруги эса барчасини биргаликда узғартиради ва бу ҳақида маълумот беради. Найти ва Заменить буйругидан бирин-кетин фойдаланилади, яъни топилгандан сунг Заменить буйруги берилса, узғартирилади, агар узғартириш керак булмаса, Найти далее буйруги берилиши лозим. Заменить все да эса ёппасига узғартиради ва бу узғартиришларни фойдаланувчи қуриб билмайди.

Word матн муҳарририда Найти – Заменить буйруқларидан қулайроқ автоматик узғартириш имконини берувчи менюдан Сервис – Автозамена буйруги ҳисобланади. Бу буйрук бир ҳарф, белги, суз, жумлани бошка суз, жумла, гап билан автоматик узғартириши мумкин. Бу узғартириш амали илованинг барча файлларида автоматик бажарилади. Бирон янги автоматик узғарадиган суз тузмокчи булсак, Сервис-

Автозамена буйругини бергандан сунг махсус суров ойна хосил булади. Ойнада Заменить сатрида биринчи узгартирилиши керак булган харф, суз киритилади, На что сатрида эса иккинчи узгартирилган суз, харф киритилади. Ойна юкорисида узгартиришда урнатиладиган режимларни белгилаш мумкин. Масалан нуктадан кейин автоматик бош харф билан чоп килиш, сузнинг бошидаги иккита харф бош харф билан чоп килинган булса, иккинчисини кичик харфга узгартириш. Биринчи харф кичик колганлари бтош харфда булса (масалан, аПРЕЛЬ), аксинча узгартириш. Бу одатда Capslock тугмаси ёкиб куйилганда булиши мумкин ва х.к. Автозамена буйругининг узгартиришлари суз терилгандан сунг, пробел тугмаси босилгандан сунг узгартиради.

Word матн мухарририда бир неча матн файлларни очиб, киритилган матнлардан фойдаланиш мумкин, яъни нусха олиб бошка файлга кучириш мумкин. Бунинг учун керакли файллар очилгандан сунг, хар бир файл алохида ойналарда очилади ва уларга утиш учун менюдаги Окно булимидан фойдаланиб очилган файллар руйхатини куриш ва унга утиш мумкин, ёки амаллар панелидаги номдан утиш мумкин (ойнанинг пастида).

Очилган матн файлдан маълум бир кисм матндан нусха олиш учун юкорида курстилган усулда, яъни курсорни суз бошига келириби сичкончанинг чап тугмасини босиб туриб чапга ёки унгга сурамиз ва керакли кисм матнни белгилаймиз, ёки Shift тугмаси билан стрелка (чап ёки унг) тугмаларини босиб, матн кисмни кора рангда ажратамиз, сунг нусха олиш буйруги  - Копировать (ёки Правка – Копировать) дан фойдаланамиз. Киркиб олиш учун  - Вырезать (ёки Правка – Вырезать) дан фойдаланамиз. Нусха олсак матн кисм уз урнидан йуколмайди, киркиб олсак уз урнида колмайди, лекин икки холда хам олинган матн кисмни курсор турган жойда кайтиб куйиш учун  -Вставить (ёки Правка - Вставить) буйругидан фойдаланиш мумкин. Бу ерда кисм матн кора рангда ажратилгандагина нусха олиш ёки киркиб олиш тугмаси ишчи холатда булади, ва нусха олингандан сунггина куйиш тугмаси ишчи холатда булади. Кайтиб куйишда матн кисмини расм сифатида ёки тугма сифатида куйиш учун менюдан Правка – Специальная вставка буйругидан фойдаланамиз.

Ишнинг бориши:

1. Word матн мухарририни ишга туширгандан сунг янги матн файли тузинг, ёки дастур автоматик очган янги файл ойнасидан хам фойдаланишингиз мумкин. Ишлашингиз учун керакли булган буйруклар тугмаларини урнатинг. Бунинг учун ойна юкорисида, инструментлар панелининг буш жойида сичкончанинг унг тугмасини босиб, инструментлар панели руйхати билан танишиб чикинг ва энг асосийлари (Стандартная, Форматирование) урнатирилганини текшириб чикинг.
2. Сунг Автобиографиянгизни киритишни бошланг. Киритган коғоздаги курунишини куриб чикинг (Просмотр), бу файлни узингиз номингиз (масалан,

Фируза.doc) билан хотирага сакланг. Сунг файлни Файл-Закреть буйруги оркали ёпинг ва кайтиб Файл-Открыть буйруги оркали очиб маълумотингиз хотирада сакланганини текширинг.

3. Файлингиздан бошка ном билан хотирага нусха олинг (Файл - Сохранить как- Фируза1.doc). Бу файлда автобиографиянгиздаги фамилиянгизни отангизнинг исмлари (отчество) билан узгартиринг. (Правка - Найти - Заменить).
4. Шу ойнадан туриб яна бирта янги файл тузиб (Файл-Создать), узингиз файлингизнинг асосий матн кисмларидан нусха (Копировать-Вставить) олиб кучиринг.
5. Матнингизда Фамилингизнинг бош харфини тулик исми шарифингизга автоматик узгаришини урнатинг (Автозамена), масалан, Р харфига Расулова Фотима Чориевна, бунда Р харфи босилгандан сунг пробел босилганда юкоридаги исми шариф автоматик хосил булади.

Барча талабалар юкорида келтирган 5 та пункт буйича амалларни бажариб топширишлари керак.

7 – АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Мавзу: WORD MATN МУХАРРИРИДА ХУЖЖАТЛАРНИ ФОРМАТЛАШ

Ишдан мақсад: Word матн муҳарририда ҳужжатларни форматлашни урганиш.

Назарий қисм

Одатда матнларни киритаётганда ҳарфлар тури, катталиги уларнинг шаклига, жойланишига катта аҳамият берилади.


Энди маълумотларни киритишда нималарга эътибор беришни куриб утамыз:

1. Маълумотларни киритишдан олдин унинг шрифтини (ҳарфлар катталиги  14 - масалан 14, каллиниги , эгрилиги  ва тагига чизилганлиги ), одатда бу режимлар инструментлар панелидан фойдаланилади, кушимча шрифтлардан фойдаланиш учун менюдан Формат – Шрифт буйrugидан фойдаланилади. Бу ойнада ҳарф уратасидан чизик чизилган ҳарфлар даража ва индекс ҳарфлар, контурли ва х.к. шрифтларни урнатиш мумкин, бундан ташқари шу ойнанинг Интервал қисмида ҳарфлар уртасидаги масофа, Анимация қисмида эса матн фонида анимация урнатиш мумкин. Бу режимлар ҳар бир сузда, сатр учун бошқа-бошқа урнатиш имкони мавжуд, яъни ҳар бир суз, сатрда шу буйрукни бериб узгартиришлар киритасиз.

2. Матн автоматик икки чегара буйича текисланиши форматлаш дейилади. Текислаш маълум бир томон буйича ёки кенглик буйича узгартирилиши мумкин. Форматни белгилашда инструментлар панелидаги тугмалардан (четланишлар: чапдан , унгдан , уртадан  ва буйига ) фойдаланиш ёки менюдан Формат – Абзац буйруги орқали амалга оширилади. Бу буйрук ойнасида чап ва унг чегара Отступ қисмида белгиланади. Интервал қисмида эса сатрлар уртасидаги масофа урнатилади ва қуриниши курсатилади. Бу режимларни ҳар бир сатр учун урнатиш мумкин. Фақатгина бунда сатрлар бир биридан Enter тугмаси орқали ажратилган бўлиши лозим, чунки ҳужжат кетма-кет киритилаётганда кейинги сатрга узи автоматик утқазилади ва урнатилган формат режими ҳам автоматик қабул қилинади. Ёки аксинча матн урнатилган бир хил форматда чоп қилингандан сунг, матннинг ҳар қисмини сичконча билан ажратиб керакли формат режимларини урнатиш мумкин. Қайси режим урнатилганлигини шу тугмача ёкилганлигидан билиш мумкин. Матннинг бир қисми билан ишламоқчи бўлсак, сичкончани сатр бошига келтириб, сичконча унг томонга йуналтирилган стрелкани курсатганида чап тугмасини босганда жорий сатр қора рангга белгиланади. Бу киритиладиган узгаришлар фақат шу сатрга тегишли бўлиши мумкинлиги билдиради. Бир неча сатр билан ишламоқчи бўлсак сатр белгиланганда сичкончанинг чап тугмасини қуйиб юбормасдан пастга бир неча сатрларни белгилашимиз мумкин.

Агар бизга тулик сатр эмас факат бир кисм билан ишлаш лозим булса, шу кисмга сичкончани босиб курсорни келтирамыз, сунг чап тугмачани босиб туриб чап ёки унг кисмга томон харакатлантирамыз ва кисм матн белгиланади.

Кушимча шрифтлардан ҳам фойдаланиш мумкин:

 - харфлар шаклини узгартириш имконини берувчи шрифтлар руйхати.  - харфларни даража ва  - индекс курунишда ёзиш,  сатрларни руйхатлаш ёки  - белгилаш.

Баъзи харфларни клавиатура тугмаларидан киритиб булмайди, масалан, грек, араб, форс алифбоси харфларини кушимча белги сифатида куйиш учун менюдан Вставка Символ амалидан фойдалансак, шу белгилар ва бошка купгина символлар руйхати чикади. Шу ойнадан керакли символ танланиб Вставка буйруги берилса, курсор урнида шу символ пайдо булади.

Фойдаланувчи оддий матнлардан ташкари математик амалларни чоп килиши ҳам лозим булиши мумкин, бунда символлар руйхатидан фойдаланса булади, лекин куп вақт сарфланади. Бунинг учун Редактор формул  буйругини менюдаги Вставка булимидан фойдаланиб ишга туширамыз. Бунда формула киритилиши учун махсус ойна очилади ва унда формулада кулланиладиган белгилар (илдиз, каср чизиги, суммаланиш, интеграл белгиси) руйхати чикади. Формула ёзиб булингандан сунг сичкончанинг чап тугмачаси формуладан ташкарида босганда формула ойнаси ёпилади матнда формула

3. Киритилаётган матнни грамматик хатосини мавжуд лугат буйича текшириш режими инструментлар панелида  тугмасидан фойдаланамиз. Бу режим урнатилгандан сунг сузлар бирма-бир лугатдаги сузлар билан текширилади, лугатда мавжуд булмаган сузларни хато деб кабул килади ва бу сузларнинг тагига кизик чизик билан белгилайди, албатта бунда сузлар жорий шрифт типига мос келиши лозим. (Масалан рус шрифтида узбек сузларни русча деб кабул килади ва хато сифатида курсатади.) Матн мухаририда бажарилган барча амаллар кетма-кетлигига караб бекор килиш , ёки бекор килинган амалларни кайтариш мумкин. Бунда факат бекор килинган амалларни кайтариш мумкин.

4. Матнлар киритилгандан булгандан сунг улар атрофига рамка чизиш учун менюдан Формат – Границы и заливка буйругидан фойдаланамиз, Граница кисмида курсор турган сатр атрофида рамка хосил килиш, матн киритилаётганда бу рамка автоматик кенгаяди, яъни матн хажмини эгаллайди, бу хажмни Enter тугмаси оркали ҳам ошириш мумкин. Бу рамка чизиклари типлари (тугри чизик, йул-йул, калин, соя, оддий чизик ва хоказо), рангини узгартириш мумкин ва буни Образец кисмда куриш мумкин. Страница кисмида эса бетлар буйича шу рамкаларни урнатиш, бетлар параметрини эса Применить к кисмда белгиланади, Рисунок кисмда эса рамка учун чизма танланади ва бу рамка чизма сифатида варак атрофида урнатилади. Заливка

булимида эса курсор турган сатрдан бошлаб тагранг ва контур урнатади. Бунда ҳам Enter тугмаси оркали тагрангли сатр хажми оширилади.

5. Матнларни бир неча устун буйича киритиш имкониятидан фойдаланиш учун Формат – Колонки буйруги мавжуд. Бунда бир устун тулгандан сунг иккинчи устунга утилади. Бу ҳолат газета ва журналларда матнлар ёзилиш усули хисобланади. Буйрук берилгандан сунг суров ойнасида Тип кисмида устунлар чапдан ёки унғ томондан бошланишини белгилаймиз, Число колонок кисмида устунлар сони белгиланади, Ширини кисмида устунлар кенглиги белгиланади, Применить кисмида матн кисми белгиланади. Колонки буйругини маълум бир матн кисмига ҳам куллаш мумкин. Бунинг учун матн сичконча оркали кора рангда ажратилади ва буйрук берилади.

6. Матнларнинг ҳар бир вараги юкорисида ёки пастида сана, вақт, бет ва бошқа маълумотлар урнатилиши учун Вид – Колонтитулы буйруги кулланилади. Бунда матн юкорисида ёки пастида алоҳида сатр пайдо бўлиб, бу сатрга урнатиладиган маълумотни Колонтитулы тугмачаларидан фойдаланиб бошқариш мумкин. Бу тугмалар экранда автоматик ҳосил булади. Бу режимдан чиқиш учун Закрьть тугмачасини босиш лозим. Вставить автотекст фойдаланувчи номини, вақтни, санани, бет ва варақ тартиб рақамини ва ҳ.к. маълумотни урнатади. Бошқа тугмачалар варақлар параметрларини узгартириш, ёзувлар қуринишини узгартириш учун кулланилади. Урнатилган колонтитулларни учуриш учун шу сатрда сичкончанинғ чап тугмачасини иккимарта кетма-кет босиб, бу сатр жорий бўлганда сатрни учиргандек Del тугмаси оркали учуриб, Закрьть буйругини бериш лозим.

Ишнинг бориши:

1. Word матн муҳарририни ишга туширгандан сунг ҳар бир талаба узи учун Информатика фанидан Курс иши муқовасини чоп қилиши лозим булади. Бунда барча матнлар урта буйича режимида чоп қилинади. Матн бошида 22 шрифтда калин ҳарфлар билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва Урта Махсус Таълим Вазирлиғи сузини.
2. Икки сатр пастга Enter тугмаси билан курсорни тушириб, калинлик режимини учуриб, 20 шрифтда Бухоро Озик-Овқат ва Енгил Саноат Технологяси Институти сузи киритилади. Курсорни яна икки сатр пастга туширинг ва унғ четланишда 18 шрифтда «Информатика» кафедраси сузи чоп қилинади.
3. Курсорни икки сатр пастга туширинг ва уртадан 18 шрифтда «Информатика» фанидан сузи киритинг. Курсорни икки сарт пастга туширинг ва Инструментлар панелидан  WordArt ёзувини ишга туширинг, чиккан ёзувлар шаклидан шакл танланг ва Ок тугмасини босинг. Текст надписи суров ойнасида Курс иши сузини киритинг ва шрифтини 44 урнатинг, ОК тугмасини босинг.


4. Чикган ёзув шакли, рангини, шрифтини WordArt инструментлар панелидан фойдаланиб, узгартиринг, бунинг учун ёзувни курсор оркали ажратиш шарт. Бунда бу ёзув туртбурчакчалар билан ажратилиши лозим.
5. Ёзувдан ташкарида курсорни босиб турт сатр пастга тушиб, 16 шрифтда, уртадан Бажарди: сузи сунг пробел тугмасини бир неча марта босиб гурухингиз талабаси сузини, кейинги сатрга утиб, унг четланиш буйича фамилиянгизни киритинг. Фамилиянгиз ва гурухингиз бир устунда тушмаган булса, Бажаради: сузидан кейинг, пробел тугмасини бирхил устун булгунча босинг.
6. Бир сатр пастга утиб, Кабул килди: сузини киритинг пробел тугмасини бир неча марта босиб домлонгиз фамилиясини киритинг. Бу сатр юкоридаги сатр билан бир хил устунда булиши учун фамилиядан олдин курсорни утказиб пробел тугмасини бир хил булганча босинг. Чунки икки фамилия бир устунда жойланиши лозим.
